

МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ
ФОЯСИ ТУРКУМИ



ФОЯ ВА МАФКУРА

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚҮМИТАСИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

ФОЯ ВА МАФКУРА

*“Мизлүй истиқлол гояси:
асосий тушунча ва тамойиллар” уқув фани бўйича
Махсус методологик комиссия тавсия этган*

ТОШКЕНТ — 2002
“IJOD DUNYOSI” НАШРИЁТ УЙИ

Матн муаллифлари — М.Ортиқов, М.Усмонов, М.Лафасов.

Мазкур рисола “Миллий истиқдол ғояси” мавзусида ўтиладиган маърузалар, амалий машғулотлар, давра сұхбатларида фойдаланиш учун мұлжалланған ёрдамчи құлланма сифатида тайёрланди. Үнда “ғоя” ва “мағкура”нинг моҳияти, мазмуни, намоён булиш шакллари, инсон ва жамият ҳәётидаги аҳамияти билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритилади. Муаллифлар ғоя ва мағкура тушунчаларининг амал қилиш тамойиллари шарҳига алоҳида эътибор қаратғанлар.

Рисола ҳақидағи фикр мұлоҳазаларингизни билдириш, буюртмалар бериш ва шартнома тузиш бүйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мүмкін: *Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. Телефон: 139-17-31*



- | | |
|-----------------|--|
| Илмий муҳаррир | — академик Т. Рисқиев |
| Масъул муҳаррир | — ф.ф.д. Қ. Назаров қайта ишлаган
ва нашрға тайёрлаган |
| Муҳаррир | — М. Қаршибоев |
| Тақризчи | — ф.ф.н. А.Очилдиев |

ISBN 5-633-01272-0

© Ўзбекистон файласуфлари
миллий жамияти, 2001.
© «Ijod dunyosi» нашриёт
уиي, 2002.

СҮЗ БОШИ

Биз мамлакатимиз тарақиётининг маънавий-мафкуравий тамойилларини акс эттирадиган миллий истиқлол гоясининг мазмун-моҳиятини ўрганишга киришашётирмиз. Бу фоя озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этаётган халқимизнинг мақсад-муддаолари ва орзу-интилғиларини ифодалайди. Кўлингиздаги китобча Президент Ислом Каримов асарлари ва улар асосида тайёрланған “Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласига таянган ҳолда ёзилди. Унда фоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун-моҳиятини, намоён бўлиш шакллари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Миллий истиқлол гояси ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган халқимизнинг умуммиллий гояси ҳисобланади. Ўзбекистонни ва миллий давлатчилик анъаналаримизни асраб-авайлаш, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларимизда ёт ва бегона гояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни ягона мақсад атрофида бирлаштириш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ишига сафарбар этиш бу гоянинг асосий мақсад ва вазифалари қаторига киради.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун таълим-

тарбия ва тарғибот ташвиқот жараёнида қўйидаги-
ларга алоҳида аҳамият бериш лозим:

— кенг жамоатчилик вакилларининг ёши, дунёқа-
раши ва қизиқишларини ҳисобга олиш;

— ташвиқотнинг илфор, таъсирчан воситаларидан,
замонавий билим бериш технологияси имкониятла-
ридан кенг фойдаланиш;

— айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалашти-
риш, эскича услугуб ва тамойилларни қўллаш натижа-
сида фоянинг қадрсизланишига йўл қўймаслик;

— тазийқ ўтказмасдан маърифий асосда иш ту-
тиш, фуқароларимизнинг мустақил ва эркин фикр-
лаш, баҳс-мунозара юритиш кўникмаларини ошириш-
га эътибор қаратиш;

— тарғиботчилар ва тингловчилар ўртасида ўзаро
ҳамфирклик ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш,
муайян мавзунинг тушунча ва тамойилларини шарҳ-
лашда ҳаётий мисоллар, бугунги дунёда рўй бераёт-
ган воқеалар таҳлилидан матбуот материалларидан
кенг фойдаланиш;

— миллий истиқлол фоясининг инсонпарварлик
моҳиятини кўрсатиш асосида мустақиллик биз учун
энг олий қадрият, уни асраб-авайлаш эса ҳар бири-
мизнинг муқаддас бурчимиз эканини фуқароларимиз-
нинг қалби ва онгига сингдириш;

— кўлингиздаги рисола фоя ва мафкуранинг маз-
мун-моҳияти ҳақидаги илк тажриба сифатида тақдим
этилмоқда.

Инсон — ўйладиган, фикр қиласиган, воқеа-ҳоди-
салар асосида хулосалар чиқарадиган онгли мавжу-
дотдир. У ақли билан олам сирларини кашф қиласи,
қалби воситасида унинг гўзаллигини ҳис этади, воқе-
ликдан ҳайратланиб, ҳаёт қонунларига мослашиб
яшашга интилади.

Дунё сезгилар орқали инсоннинг қалби ва онгида ўзига хос тимсол ва тасаввурлар уйғотади, унда орзу-интилиш, мақсад-муддаоларни вужудга келтиради. Ана шу интилиш ва мақсадлар инсоннинг фаолияти орқали амалга ошади, яъни ҳаётга, воқеликка қайтади, унга таъсир қиласи ва уни ўзгартиради.

Одам зотини ҳаётни, ўзини ўраб турган ташқи муҳитни ўзгартиришга мажбур қиласидан маънавий омиллар орасида фикр, фоя, мақсад ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Фоя инсоннинг борлиққа, ўз ҳаётига бўлган муносабати, олдига қўйган мақсадлари асосида шакланади ва ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Фоя нафақат инсон ҳаётида, балки бутун бир халқ, давлат ва умуман жамият тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу маънода, “Миллий истиқлол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қайд қилингани каби: **Инсоният тарихи – Фоялар тарихидир.**

Хўш, фоя нима, нега унга бу қадар катта эътибор ва аҳамият берилади? Маълумки, ҳар қандай миллат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян бир тамойиллар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишларини кўзлаб ҳаракат қиласи. Бинобарин, улар ҳаётдаги маълум бир мафкурага таянади.

Хўш, мафкура нима, у қандай фоялар асосида шакланади ва қай тарзда жамиятни ҳаракатга келтиради? Нега айрим мафкуралар баъзи миллатларнинг юксалишига сабаб бўлса, айримлари бутун-бутун халқларни таназзулга дучор этади? “Миллий истиқлол фояси” бўйича мазкур машғулотимиз айнан шу ва шу каби масалалар талқинига бағишланган.

“ФОЯ” ТУШУНЧАСИ

Маълумки, инсон ўзининг ақл-заковати, иймон-эъти-қоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жон-зотлардан фарқ қиласди.

Инсон – онгли мавжудот. Онгни шартли равишда иккита катта қисмга бўлиш мумкин: биринчиси – инсоннинг руҳий олами; иккинчиси – фикрий олам, яъни тафаккур оламидир. Руҳий олам (бу соҳани руҳшунослик илми – **психология** тадқиқ этади) ўз таркибига сезгилар, идрок, тасаввур, кечинма, ҳис-ҳаяжон, диққат, хотира ва бошқаларни қамраб олади. Тафаккурнинг мантиқий шаклларига тушунча, хукм ва хулоса киради (буларни **логика**, яъни мантиқ фани ўрганади).

Фалсафанинг азалий қоидаларидан бири – тил ва тафаккур бирлигидир. Тилнинг энг бирламчи маҳсули сўз бўлгани каби, тафаккурнинг дастлабки шакли – тушунчадир. Тушунчалар бир ёки бир неча сўзлар билан ифодаланади; аммо ҳар қандай сўз ҳам тушунча бўла олмайди. Сўзлар воситасида англатилган тугал фикр гап деб аталишини биз бошланғич синфларданоқ билганимиз.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Бинобарин, ғоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмай-

ди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина
фоя бўла олиши мумкин.

Фояни фалсафа, яъни гносеология ва онтология нуқтаи назаридан тушуниш уни политология (сиёсаншунослик), конфлектология (зиддиятшунослик) ёки аксиология (қадриятшунослик) нуқтаи назаридан тушунишдан фарқ қиласди. Бу фанларнинг ҳар бирида муайян ғоялар у ёки бу таълимот, қараш ёки назариянинг асоси сифатида ўрганилади. Биз ўрганишга киришаётган мазкур фанда эса масаланинг барча жиҳатлари қамраб олинади ва уларнинг нафақат назарий, балки амалий томонларига ҳам эътибор қаратилади. Фояни гносеология (лотинча: “гнозис” — билиш) нуқтаи назаридан тушуниш ниҳоятда муҳим. Бунда ушбу тушунчани дунёни билишнинг муайян босқичи, нарса ва ҳодисалар моҳиятини англатадиган фалсафий категория эканни эътироф этилади. Бу, ўз навбатида, уни илмий тушунча сифатида талқин қилиш имконини беради ва ғояни сиёсийлаштириш ёки мафқуралаштиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

Фояни онтология нуқтаи назаридан тушуниш эса унинг объектив реаллик билан узвий алоқада эканлигини исботлаш учун асос бўлади. Бундай ёндашув ҳақиқий ғоя нафақат субъектив ҳодиса, яъни бирон-бир киши томонидан хаёлан ўйлаб топилмайдиган, балки ташқи олам ва ҳаёт ҳодисалари асосида шаклланадиган, ўз объекти ва субъектига эга бўлган тушунча эканини исботлаш имконини беради.

Фоянинг объекти ва субъекти нима? Бунда, аввало, шуни таъкидлаш керакки, ғояни шакллантирадиган, унинг вужудга келишига туртки берадиган объектив реаллик — ташқи олам, дунё ва унинг ҳодисалари, инсоният, жамият ҳаётига тегишли воқеалар мавжуд. Сунгра эса ана шу ҳодиса, воқеа ва жараёнларни англаб ола-

диган, ўз ҳаётини уларнинг қонуний оқимига мослайдиган ва ўзи ҳам уларга акс таъсир кўрсатадиган одамзот ҳам мавжуд. Фоя ана шу икки томон, яъни ташқи реаллик ва одамзот орасидаги муносабат (таъсир ва акс таъсир) натижасида шаклланадиган субъектив ҳодиса, объектив реалликнинг субъектив натижаси, инсон онгида ташқи олам, дунё ва ҳаёт ҳодисаларининг акс этиш шаклларидан биридир. Фоя гносеология нуқтаи назаридан шу тарзда тушунилар экан, қуйидаги маъноларни англатади:

- инсон онгининг таркибий қисми;
- ташқи оламнинг образли инъикоси ва акси;
- инсон ва ҳодисаларни англаш шакли;
- инсон онгининг ташқи олам ва ҳаёт ҳодисалариға нисбатан акс таъсирининг намоён бўлиш шаклларидан бири.

Илмий адабиётларда “фоя”, “мафкура”, “идея” ва “идеология” тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ Farb давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси юонон тилидаги «idea» сўзидан олинган, у идеология сўзининг ўзаги бўлиб ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англатади. Идеология (Idea – фоя, тушунча, logos – таълимот) атамаси эса фоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

- фояларнинг моҳият-мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади;
- муайян гояни амалга ошириш, мақсадга этиш усувлари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Фояларнинг оддий фикрлардан фарқи яна шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон (ва жамият) руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Фоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички

дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Фоя моҳиятнинг ижтимоий характерга эга. Муайян фоя одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва миллатлар орасида ёйлади. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган янги авлод жамиятда мавжуд фоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва фояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги фояларни яратади ва тарғиб этади.

Ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси ва интиҳоси, яъни бошланиши ва охири бўлади. Фоялар ҳам ўз “умри”га эга. Улар ҳам маълум маконда ва замонда пайдо булиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозиба кучи ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланиши ҳам мумкин. Фояга таъриф бериш учун унинг моҳиятини намоён этадиган асосий хусусиятларни санаб ўтиш лозим бўлади. Фоянинг энг муҳим хусусияти – инсонни ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган куч эканидадир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фоя деб инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган фикрга айтилади.

Фояларнинг турлари кўп. Тафаккурнинг маҳсули сифатида фоя теварак оламни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари – илм-фан, дин, фалсафа, санъат ва бадиий адабиёт, ахлоқ, сиёsat ва ҳуқуқ – муайян бир фояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Маълум маънода айтиш мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг ўз фоялари мавжуд бўлади.

Мазмуни ва намоён булиш шаклига қараб, фояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин:

- илмий фоялар;
- фалсафий фоялар;
- диний фоялар;
- бадиий фоялар;
- ижтимоий-сиёсий фоялар;
- миллий фоялар;
- умуминсоний фоялар ва ҳоказо.

Шу билан бирга, жамиятнинг ижтимоий тузилиши билан боғлиқ партиявий, синфий, этник фоялар ҳамда кўламига кўра фарқланадиган умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган фоя шакллари ҳам бор.

Диний фоялар деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний иймон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи фояларга айтилади.

Ибтидоий динлар ҳар бир нарсанинг жонли экани, жоннинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ҳодисаларнинг илоҳий кувватга эгалиги тўғрисидаги қарашларга асосланган эди. Масалан, ҳиндларнинг диний тасаввурларига кўра, жон кўчиб юради, бу ҳаётда у инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошқа жонзотга ўтиши мумкин.

Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган **политеизм** динлари вақти келиб **монотеистик** – яккахудолик фояси асосидаги динларга ўз ўрнини бўшатиб берган.

Яккахудолик фояси миллий динларда (масалан, иудаизмда), айниқса, жаҳон динлари – **христианлик** ва **исломда** ўз ифодасини яққол топган. Хусусан, ислом динида Аллоҳнинг ягоналиги фояси асосида унинг барча ақидалари, рукнлари, талаб ва мажбуриятлари шаклланган.

Илмий ғоялар – фан тараққиётиning самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари (принциплари), устувор қоидаларини (постулатларини) ташкил қиласидиган илмий фикрлардир.

Фояларнинг “ҳаёти”, уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, бошқа ғоялар билан ўзаро муносабати, кураши, ва ниҳоят, эскирган ғояларнинг янгилари билан алмашиниши, айниқса, илмий ғоялар мисолида яққол намоён бўлади.

Қадимги юонон файласуфлари табиий жисмларнинг энг кичик, бўлинмайдиган зарраси сифатида “атом” тушунчасини киритган эдилар. Птоломей-Аристотелдан тортиб, ўрта асрдаги Улугбек астрономиясигача дунёning маркази Ер деб ҳисоблаб келганлар; Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор илмий ғояларига асосланган эди.

Илм-фан тараққиёти атомнинг бўлинишини, коинот маркази Ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар билан исботлади; квант механикаси, ирсият назарияси ва бошқа кўплаб кашфиётлар қилинди.

Дунёга А.Эйнштейн, Н.Бор, Э.Резерфорд, М.Кюри ва бошқаларнинг номларини машхур қилган ядро физикиси соҳасидаги кашфиётлар ҳам илмий ғоялар асосига қурилган. XX асрда инсоният ниҳоятда кўп илмий ғояларни амалиётга айлантирди. Космик ракеталар, компьютер ва уяли телефонлар, телевидение ва бошқа соҳалардаги ютуқлар бунга ёрқин мисол бўлади.

Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиздир. Бу жараёнда амалиётда тасдиқланмаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади.

Фалсафий ғоялар ҳар бир фалсафий таълимотнинг

асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилик жамиятининг тараққиёти мобайнида тўпланган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, унинг баҳт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади.

Инсоният тарихида турли ҳалқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуф ва алломалари турфа хил ғоялар яратганлар. (Сиз улар билан фалсафа тарихини ўрганиш пайтида батафсил танишгансиз.) Аммо, фалсафий ғоялар ҳақида гап кетганда, жаҳон фалсафий тафаккури ривожига бекиёс ҳисса қўшган ўзбек мутафаккирлари яратган меросни ёдга олмаслик мумкин эмас.

Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги, Ибн Синонинг тана ва руҳ муносабатига оид, Алишер Навоийнингadolat ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунасиdir.

Бадиий ғоялар – адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан қўзланган мақсадга хизмат қиласидиган етакчи фикрлардир. Улар ҳаётдан олинади, бадиий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчидаги муайян таассурот уйғотади. Адабий қаҳрамонларни севиш, уларга эргашиб ҳоллари ҳам ана шу асосда рўй беради.

Бадиий таъсир воситалари жуда катта кучга эга. Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс руҳиятига таъсир ўтказишида, одамларни ҳаракатга келтиришда бадиий адабиёт ва санъатнинг аҳамияти бекиёсdir. Миллий истиқдол ғоясини тарғиб этиш, ҳалқнинг онги ва қалбига сингдиришда ҳам булар муҳим восита бўлиб хизмат қиласиди.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар ҳар бир халқ ва умуман, башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишилаб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган.

Озодлик ғояси – мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қуллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган ғоядир.

Мустақиллик ғояси – энг улуғ ва эзгу ғоя. Ҳар бир халқ истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий тазииклардан халос бўлади, ўз салоҳиятини тўла-тўқис ишга солиш, ўзи истаган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади.

Адолат ва ҳаққоният ғоялари – инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, қудратли кучга эга бўлган ғоялардир. Одамлар асрлар мобайнида одил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Адолат бузилган ерда умидсизлик ва тушкунлик ҳукм суради. Адолат тантана қилған жамият юксакликка кўтарилади.

Ҳар бир тарихий даврда унинг руҳини акс эттирадиган, халқнинг қадриятлари ва орзу-истакларига мос келадиган ғоялар кишиларнинг онги ва қалбидан жой олган. Таъкидлаш жоизки, башариятнинг зиддиятли тарихи мобайнида ҳаётбахш ғоялар билан бир қаторда, сохта ва тубан ниятлар, тажовузкор ва фаразли фикрлар ҳам кўп бўлган. Бинобарин, халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, ўзининг сифатларига кўра ғоялар юксак ё тубан, бунёдкор ёки вайронкор, эзгу ёхуд бузгунчи, ҳаётбахш ёхуд тажовузкор бўлиши ҳам мумкин.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллат тараққиётига, унинг юксалишига хизмат қиладиган, халқларни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган фоялар юксак гоялардир¹. Одамлар орасига нифоқ, халқлар ўртасига низо соладиган, кишиларни турли тарафларга ажратиб, адован қўзғайдиган тубан фикрлар бузғунчи фояларга мисол бўлади. Аслида бундай қабиҳ ният ва сохта шиорларни фоя деб аташ ҳам шартлидир. Қайси ижтимоий бирлик ёки қатлам орасида тарқалгани, қандай аҳоли гуруҳлари ёки элат-миллатларни ҳаракатга келтираётганига қараб ҳам фояларни турларга ажратиш мумкин.

Соҳиблари, яъни фояни моддийлаштирувчи, амалиётга айлантирувчи куч ким эканига қараб, **синфий фоя, миллий фоя, умумхалқ фояси, умуминсоний фоялар** ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Албатта, муайян бир халқ оммасини маълум бир тарихий шароитда ҳаракатга ундаётган фоя мазмунан умуминсоний бўлиши ҳам ёки тор манфаатларни кўзлайдиган синфий фоя жамият ва инсон манфаатларига зид бўлиши ҳам мумкин.

Миллий фоя халқнинг туб манфаатларини ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган фоядир. Ўз тарихи ва тараққиётининг туб бурилиш давларida ҳар қандай миллат ва халқ келажагини белгилайди, унга етишишнинг ўзига мос йўлларини танлайди. Ана шу жараёнга хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишлар билан барча фоявий тамойилларини ҳам белгилаб олади. Бунда бутун миллат учун умумий бўлган

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Ўзбекистон, 7-жилд, 308-бет.

ғоялар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида ўз аксини топган. Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро ҳамжиҳатлик, Диний бағрикенглик кабилар ана шундай умуммиллий ғоялар қаторига киради.

“МАФКУРА” ТУШУНЧАСИ

Ҳар қандай назария ёки таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Дунёқарашнинг негизини ва муайян ишонч-эътиқоднинг асосини ҳам ғоя ташкил этади. Одамлар, ижтимоий синф ва қатламларнинг, миллат ва давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади.

Ўз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўуллар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади.

Мафкура – муайян ижтимоий гурух ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимиdir.

Турли ижтимоий тузумлар, жамиятдаги ҳар хил табақа ва қатламларнинг мафкураси турлича булиши табиий. Бунинг асосида манфаатларнинг турличалиги, уларни қондириш имкониятлари ва услубларининг ҳар

хиллиги ётади. Синфий қутблашув кучайган, синфий кураш авж олган (ёки сунъий равишда кескинлаштирилган) тузумларда мафкура ўта сиёсийлашади, аҳоли-ни ўзаро қарама-қарши қилиб қўяди.

Ижтимоий ҳамкорликка асосланган, эркин демократик жамият барпо этишни қўзлаган давлатларда миллий мафкура аҳолининг барча қатламларини жипслаштиришга, умумманфаат, ва ягона мақсад йўлида бирлашишга чорлайди. Бундай мафкураларда зиддиятли жиҳатлар эмас, умуминсоний тамойиллар кучайиб боради.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси жамиятни жипслаштиришга, буюк келажак йўлида ҳам-жиҳатлик билан ҳаракат қилишга, барпо этилаётган эркин фуқаролик жамиятида ҳар бир юртдошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига эришишга сафарбар этади.

Президентимиз Ислом Каримов мафкурага шундай таъриф берган: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини қўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равshan белгилаб беришга хизмат қиласиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўпприк бўлишига қодир foяни мен жамият мафкураси деб биламан”¹. Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиласиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равshan ча-роғон этадиган маёқdir.

Инсоният тарихи мобайнида турли шаклдаги мафкуралар кўплаб яратилган, беҳисоб ижтимоий-сиёсий кучлар ўз foялари ва таълимотлари билан майдонга чиққан, мақсад ва ниятларига етишмоқ учун ҳаракат қиласиган. Биз ҳар қандай мафкурани foялар тизими сифатида

¹ Ислом Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Ўзбекистон, 7-жилд, 89-бет.

талқин қиласар эканмиз, шуни унутмаслик керакки, бирор бир мафкуранинг моҳиятини англаб етиш учун фақат унинг таркибидаги ғояларни таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас. Ўтмишда турли кучлар ва гуруҳлар ўз баразли ниятларига эришиш, асл мақсадларини яшириш учун юксак ва жозибали ғоялардан фойдаланган. Энг ёвуз босқинчи ва энг разил гуруҳлар ҳам ўз кирдикорлари-ни эзгу ғоялар билан ниқоблашга уринган.

Демак, мафкуранинг моҳияти фақат унинг асосий ғоялари воситасида эмас, шу ғояларга эришиш усуллари ва воситалари, умумэътироф этилган тамойиллари, уларнинг аксарият омма манфаатларига мослиги орқали ҳам намоён бўлади. Ўзининг мудҳиш талаб-эҳтиёжлари ва ёвуз ниятларини бошқа халқлар ҳисобига қондиришни кўзлаб ҳаракат этувчи мафкуралар ҳалокатга маҳқумдир.

Мафкуралар, маъно-моҳиятига кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади. Хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишида сиёсий ғоялар билан бирга, диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.

Мафкуранинг фалсафий илдизлари ҳақида фикр юритганда, унинг фалсафа илми хulosаларига асосланиши назарда тутилади. Бунга Фарбдаги Уйғониш даврини ҳамда ўрта асрларда ўз миллий давлатчилигини тиклай бошлаган Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос мафкурасини яратганини мисол келтириш мумкин. Мазкур мафкуралар Рим империяси парчаланганидан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг ўзига хос қадриятлари ва менталитети заминида вужудга келган миллий фалсафалари асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги италян, инглиз, француза фалсафаси ўзи ман-

суб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминида вужудга келган фалсафий таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Кант, Гегель, Фейербах каби мутафаккирлар номи билан шуҳрат топган немис фалсафаси хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Жумладан, ҳақиқий миллий хусусиятларга эга бўлган Гегель фалсафаси Австрия—Венгрия империясидан ажралиб, мустақиллик йўлини тутган Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасига кўтарилиган эди.

Мафкуранинг дунёвий илдизлари маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуидан иборатdir. Инсоният асрлар мобайнида босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келди. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикентлик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳақ-хуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждан эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Ана шундай жамият мафкураси “Дунёвийлик — даҳрийлик эмас” деган тамойил асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор этмайди.

Мафкуранинг диний илдизлари деганда, у инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг гоявий илдизлари диний таълимотларга бориб тақалиши тушунилади. Яъни, кўпгина мафкураларда Авесто, Веда ва Упанишадлар, Забур, Таврот, Инжил ва Қуръон каби илоҳий китобларда зикр этилган эзгу фоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамиз.

Хитой халқининг тараққиёт йўлини асослаб берган

Конфуций ва Лао-Цзининг таълимотлари ҳам диний қарашларга асосланган эди. Бу таълимотлар асрлар мобайнида Хитой халқининг миллий мафкураси бўлиб келган.

Дунёвий ва диний гоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райхон Беруний, Имом Фаззолий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари ёнма-ён яшаб фаолият кўрсатган давр ёрқин мисол бўла олади.

Бундай жараён бугунги дунёда амалиёт фалсафаси деб таң олинган прагматизм, ҳаёт фалсафаси бўлган экзистенциализм каби дунёвий ва диний гоялардан озиқланган таълимотлар мисолида ҳам кўзга ташланмоқда.

Илмий кашфиётлар ҳам мафкура ривожига катта таъсир ўтказади. Замонавий фан ютуқлари, жумладан, космонавтика, кибернетика соҳасидаги оламшумул янгиликлар, клонлаштириш, инсоннинг ген-насл харитасини аниқлаш каби буюк кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартирмоқда.

Айни вақтда юксак илмий-техникавий тараққиёт, глобаллашув жараёнлари, бир томондан, инсон ақл-идрокининг имкониятларига, келажакка ишончни ортираётган бўлса, иккинчи томондан, Хиросима, Нагасаки, Чернобиль фожиалари, оммавий қирғин қуроллари, экологик ҳалокатлар, маънавий таназзул каби умумбашарий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Шундай экан, илм-фан ва маданият борасидаги ютуқлардан оқилона фойдаланиш учун ҳам жамиятга соғлом тоя, соглом мафкура керак.

ФОЯ ВА МАФКУРАЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ

Инсоният тарихи турли гояларнинг эзгулик ва ёвузлик, озодлик ва истиббод, маърифат ва жаҳолатга хизмат қилган мафкуралар шаклида намоён бўлганидан далилат беради. Фоя мафкурага асос бўлади, мафкура эса муайян гояни амалга оширишга хизмат қиласди.

Кадимги цивилизациялар тарихидан маълумки, ўша даврларда одамларнинг дунёқараши, қабила ва элатларнинг мафкураси афсона ва ривоятлар воситасида ифода этилган мифологик қарашлар сифатида мавжуд бўлган. Жумладан, **тотемизм, анимизм, фетишизм** каби ибтидоий динлар жоннинг абадийлиги, табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг илоҳий қувватга эга экани тўғрисидаги хилма-хил фоя ва қарашларга асосланган. Бу тўғрида “Диншунослик” фанида кенгроқ маълумотлар берилган.

Тараққиётнинг кейинги босқичларида миллий асосдаги ҳиндуизм, иудаизм, конфуцийлик сингари диний мафкуралар шаклланган. Японлар эса ўзларининг миллий дини – синтоизмни яратган. Уларда диний тамойиллар билан бирга, муайян миллатнинг ўзига хослиги, қадриятлари, менталитети ўз аксини топганлиги яққол кўзга ташланади. Бу динлар миллат тарихининг муайян даврида давлат дини ва мафкураси даражасига кўтарилиган. Масалан, конфуцийлик бир неча юз йиллар давомида Хитойда ана шундай мавқега эга бўлган.

Тараққиёт жараёнида фалсафий гоялар ҳам муайян тизим шаклини олган. Масалан, оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари, унинг асосини нима ташкил этиши каби масалаларни қадимги одамлар хилма-хил ҳал қилганлар. Уларни фалсафий тал-

қин этиш натижасида монизм ва дуализм каби, идеализм ва материализм сингари оқимлар вужудга келган. Уларнинг ҳар бири ўз маъно-мазмунига эга эканлиги билан ажралиб туради. Хусусан, монизм – оламнинг асосини битта моҳият ташкил этади деб таълим берувчи йўналиш бўлса, дуализм – оламнинг ибтидоси ҳам руҳий-илоҳий, ҳам моддий асосга эга эканини эътироф этувчи оқимдир.

Оlam ва одамнинг яралиши, борлиқнинг яшаши ва ривожланиш қонуниятлари, борлиқ ҳамда йўқлик масалаларида руҳий ва илоҳийлик тамойилларини устувор деб билиш, мутлақлаштириш идеализмнинг асосини ташкил қиласди.

Ундан фарқ қиласиган материализм айнан ана шу масалаларда модда (материя) ва унинг хоссаларини устувор деб билиш, мутлақлаштириш асосида шакланган.

Муайян тарихий даврларда баъзи мафкуралар давлат идеологияси даражасига кўтарилиган. Замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган, лекин миллат маънавиятигининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолган. Xalқ улардан қувват олган, маънавий озиқланган, улар орқали ўз қадриятларини сақлаган.

Шу билан бирга, бир-биридан фарқ қиласиган мафкуралар ўртасидаги баҳс-мунозара ҳамда уларни муросага келтиришга интилевчи гоялар мавжудлиги ҳам қадим замонлардан буён давом этиб келмоқда. Худди шундай, бир-биридан фарқ қиласиган, яъни худо ва илоҳий қадриятларни тамомила рад этувчи атеизм ва айнан шу ҳақиқатларни мутлақлаштирувчи теизм ўртасидаги баҳс-мунозара ҳам узоқ тарихга эга. Бу баҳс-мунозара ҳозир ҳам давом этмоқда.

XIX асрнинг 30-йилларида Францияда император

Наполеон шахсига сифиниш ва фарангларни улуғлаш билан боғлиқ шовинизм ғоялари кенг ёйилди. Кейинчалик у бир ҳукмрон миллатни бошқа халқлардан устун құядиган ёки бошқа бирор ижтимоий субъектни мутлақлаштирадиган мафкуравий ақидага айланиб кетди. Бугунги кунда “буюк миллатчилик шовинизми”, “буюк давлатчилик шовинизми”, “ирқий шовинизм” каби иборалар учраб туради.

Инсоният тарихида үз талаб-әхтиёжларини бошқа халқлар ҳисобига қондириш истаги талончилик ва босқынчилик, буюк давлатчилик ва тажовузкор миллатчилик, фашизм ва экстремизм ғояларини юзага келтирған. Бундай ғоялар халқлар бошига күп кулфат ва мусибатлар солған.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, баъзан бузғунчи мафкура үзининг сохта жозибаси, алдов макри билан омма онгини заҳарлаб, жамиятда ҳукмрон мавқеини эгаллаб олиши мумкин. Масалан, XX асрнинг 30-йилларида Италия ва Германияда фашизмнинг ғалаба қозониши нафақат италян ва немис халқининг, балки дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфат солгани тарихнинг аччиқ сабоқларидан биридир. Ҳолбуки, бу ғоялар, мазкур давлатларда аср бошиданоқ намоён була бошланған эди. Масалан, Италияда 1910 йилдан “Миллий ғоя” номли журнал чиқа бошлаган, унда күпроқ агрессив миллатчилик тарғиб қилинар эди. Афсуски, үз даврида бунга бепарво қаралди ва у охир-оқибат ҳукмрон ғояга айланди. Ана шу сабабдан ҳам бугунги кунда бутун дунёдаги тараққийпарвар гуманистик күчлар бундай фожиали ва нохуш ҳолатлар тақрорланмаслиги учун ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бориши ижтимоий зарурат бўлиб қолди.

Фашизм мисолидаги аччиқ тажриба ғоя ва мафку-

ра, инсонпарварлик ва тараққиёт тамойилларини, халқ тақдиридаги юксалиш заруратини, умуминсоний қадриятларни үзиде акс эттирмаса, аксинча, бу интилишларни рад этса, моҳиятига кўра уларга зид бўлса, у жамият таназзулига сабаб бўлишини яққол кўрсатади.

Ўз тарихини асосан, XIX асрдан бошлаган ана шундай мафкуралардан бири – **синфий антоагонизм** ғояларни мутлақлаштирган ва ҳокимиятни курол кучи билан эгаллаб олган собиқ коммунистик тузум мафкураси эди. Синфий кураш ғояси асосига қурилган ва миллионлаб кишилар тақдирида машъум из қолдирган бу мафкура жамиятни бир-бирига қарама-қарши тарафларга ажратиб юборди. Синфий кураш чизиги нафақат ижтимоий гуруҳ ва қатламлар орқали, ҳатто оиласлар ва инсонлар руҳияти орқали ҳам ўтди. Оқибатда ғражданлар урушига назарий пойдевор қўйилди. Инсон табиатига, унинг моҳияти ва руҳиятига зид бўлган биродаркушлик ҳолати вужудга келди. Ўғил отага, ука акага, дуст ўз биродарига қўл кўтариши ёқлаб чиқилди, рағбатлантирилди. Булар мардлик ва синфий онглилик намунаси деб талқин этилди. Натижада миллионлаб кишилар ҳалок бўлди, бутун – бутун халқлар ўз ватанидан бадарға қилинди.

Зўрлик асосига қурилган ва зиддиятли тизимга асос бўлган бу мафкура дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан салтанат ва социалистик лагерь ҳудудида етмиш йил ҳукм сурди. Охир-оқибат ўзининг файриинсоний ва файримиллий моҳияти, мустабид табиати туфайли таназзулга юз тутди. Ўзи таянган давлатни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди.

Ёвуз ғоя ва унга асосланган мафкураларнинг энг кўп тарқалган шаклларидан бири **диний ақидапарастлик**dir. Бундай ғоялар муайян давларда Фарбда ҳам,

Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган, одамларга кўпдан-кўп кулфатлар келтирган. Афсуски, бу ижтимоий иллат инсоният XXI асрга қадам қўяётган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда, муайян ҳудудларни эгаллаб олмоқда. Афсуски, бу ғоялар ортидан эргашадиганлар ҳозир ҳам бор. Улар бундай ғояларга асосланиб, тинч аҳолига қарши террорчилик, зўравонлик каби жиноятларни амалга оширади, ўз ниятларини қабиҳ ҳаракатлар орқали намоён қилади. Кейинги 15 йилда ақидапарастлар террори натижасида 140 минг киши ҳалок бўлган Жазоир ёки 20 йилдан ортиқроқ уруш бораётган Афғонистон бунга яққол мисол бўла олади.

Хуллас, ақидапарастлик қандай шаклда бўлмасин, ҳамма замонларда ҳам жамият учун бирдек хатарли бўлиб, одамлар бошига кўплаб кулфатлар келтиради. Ҳозирги даврда ҳам ижтимоий меъёр ва қонун-қоидаларни тан олмасликка даъват этувчи *нигилизм* ёки кўп ҳолларда ватансиликни мутлақлаштирадиган *космополитизм* каби мафкуралар турли кўринишларда намоён бўлмоқда.

Фоя ва мафкураларнинг тарихий шаклларини, мазмун-моҳиятини азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб келади. Яъни босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига қарама-қарши үлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музaffer байроғига айланган.

Фоя ва мафкуранинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти. Фоянинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти жуда муҳим фалсафий масаладир. Инсон ўзи ғояларни яратади, улардан куч-кувват олади. Ўзи яратган ғоялар инсоннинг онги ва шуурини, тафаккури ва эътиқодини

эгаллаб, унинг соҳибига айланади. Юксак фоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари етаклайди. Фояси етук, эътиқоди бутун, қадриятлари юксак инсонгина мардлик намуналарини курсата олади.

Ҳар бир халқнинг тарихи шу халқдан етишиб чиққан буюк сиймолар, мард қаҳрамонлар ва фидойи инсонлар тарихи асосида битилади. Халқимизнинг Широқ ва Тўмарис, Спитамен ва Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Бобур Мирзо каби мард фарзандлари – буюк фоя соҳибларидир.

Минг йиллар ўтса ҳам, улуғ аждодларимизнинг матонати ва қаҳрамонлиги халқнинг хотирасидан ўчмайди. Чунки улар юксак фоялар – Ватан озодлиги, эл-юрт баҳт-саодати, илму урфон ривожи йўлида жон фидо қилганлар. Аҳмад Яссавий бутун умрини ҳақ ишқида ўтказганида ҳам, Нажмиддин Кубро мӯғул босқинчиларига қарши жанг қилганда ҳам улуғвор фоялар уларга сабр-бардош ва матонат ато этган. Жордано Бруно жисму жонини эгаллаган буюк фоя туфайли гулхан алангасида ҳам ўз эътиқодидан қайтмаган, Насимий, товонидан сўйсалар ҳам, ишқи илоҳий деб жон берган.

Жаҳон тарихидан, жумладан, халқимизнинг ўтмишидан ҳам, қайси соҳада бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга албатта улуғвор фоя керак эканига кўплаб мисоллар топилади.

Бу борадаги масалаларда “Миллий истиқлол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласига таяниб фикр юритган маъқул. Рисолада бу тўғрида қўйидагилар уқтирилган: *Муайян бир фоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгига пайдо бўлади. Айни пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний ҳақиқатга айланади.*

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётiga улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъодд ватеран тафаккур соҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Суқрот ва Платон, Конфуций ва Зардушт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тасдиғидир.

Уларнинг ҳар бири ўзи даврида ўзи мансуб халқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик ғояларни яратганлар. Бу ғояларга таяниб бунёдкорлик йўлида, эзгу мақсадларга эришиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилганлар. Бу борада инсониятга “Ўзини англамоқ буюк саодат” эканлигини англатган Суқрот ҳам, “халқни яққалам қилдим”, дея қониқиши ҳиссини туйган Навоий ҳам, Ҳиндистон ва Покистон озодлиги йўлига умрини баҳшида айлаган Махатма Ганди ҳам бугунги авлодлар учун ибрат намунаси бўлган улуғ инсонлардир.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч – бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамиша ўзаро курашади. Бунёдкор ғоя инсонни улуғлади, унинг руҳига қанот бағишлиади. Соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган.

Бузғунчи ғоя ва мафкуралар эса халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўрта асрлардаги салиб юришлари, диний фанатизм ва атеизм, фашизм ва большевизмга асос бўлган Файриинсоний ғоялар шулар жумласидандир.

Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илфор ғоялар туғилаверади.

Бузғунчи гояларнинг вужудга келишига эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, уларга қарши курашга тайёр туриш, яъни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшамоқ ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади.

Миллий ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабари-ни, ҳалқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларни тўла юзага чиқаришда бекёс омил бўлади.

Масалан, XX асрда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган японча тараққиёт моделини олайлик. Япон миллий мафкураси “миллий давлатчилик тизими” (кокутай), “фуқаролик бурчи”, “япон руҳи”, “тадбиркорлик”, “умуммиллийлик”, “фидойилик”, “ватанпарварлик”, “патернализм”, “жамоага садоқат”, “модернизация” каби ғоя ва тушунчалар ушбу мамлакатнинг бугунги кунда эришган юксак натижаларига пойдевор бўлди.

Фоявий заифлик ва мафкуравий бекарорлик эса миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказади, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Масалан, Чингизхон босқини, чор истилоси даврлида айрим ҳукмдорларнинг ҳалқни бирлаштириб курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлган.

Ушбу фикрлардан хulosа қилиш мумкинки, инсоният тарихи хилма-хил ғоя ва мафкураларнинг вужудга келиши, амалиёти, бир-бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жараёндир. Бу жараёнда турли ғоялар у ёки бу кучларга хизмат қилиши, ўзига ишонганди кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашига қараб бир-биридан фарқланади. Эзгу мақсадларга хизмат қиласиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлса, вайронкор ғояларга таянган мафкуралар ҳалқ-

лар ва давлатларни таназзулга етаклайди, одамлар учун сон-саноқсиз кулфатлар келтиради. Бу эса, ўз навбатида, фояйй жараёнлар тарихини ўрганиш, улар замиридаги мазмун-моҳиятни билиб олишни заруратга айлантиради. Биз ушбу рисолада ана шу масалаларни қисқа таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фоя ва мағкура ниҳоятда серқирра ва сермазмун тушунчалардир. Уларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари, инсон ҳаётига, ҳалқлар ва давлатлар тақдирига таъсири масалаларига алоҳида тадқиқотлар ва китобларни бағишлиш мумкин. “Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласининг “Сўз боши”-сида Президентимиз алоҳида такидлаганлари каби: **“Маърифатпарвар шоирларимиздан бирининг сўzlari-ni бир оз ўзгартириб айтадиган бўлсак, бу борада барчамиз учун фикрлаш ва ишлаш замони келди”**.

Ана шу нуқтаи назардан олганда, бу борадаги долзарб вазифалар бугунги кундаги таълим-тарбия ва тарғибот соҳасидаги амалиёт учун ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида мазкур соҳада фолият юритаётган зиёлилар, олим ва мутахассислар зиммасига масъулият юклайди.

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ӯзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, “Ӯзбекистон” нашриёти, 1998 йил.
2. Қуръони Карим. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 1993 йил.
3. *Имом Бухорий*. “Ҳадис”. 4 жилдлик. Тошкент, Қомуслар Бош таҳририяти, 1992 йил.
4. *Имом Термизий*. “Саҳиҳи Термизий”. Тошкент, Қомуслар Бош таҳририяти, 1993 йил.
5. *Абу Наср Форобий*. “Фозил одамлар шаҳри”. Тошкент, Faфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил.
6. *Абу Райхон Беруний*. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”. Тошкент, 1968 йил.
7. *Амир Темур*. “Темур тузуклари”. Тошкент Faфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996 йил.
8. *Мирзо Улугбек*. “Тўрт улус тарихи”. Тошкент, 1996 йил.
9. *Алишер Навоий*. “Маҳбуб ул-қулуб”. Тошкент, 1987 йил.
10. *Низомиддин Шомий*. “Зафарнома”. Тошкент, “Ӯзбекистон” нашриёти, 1996 йил.
11. *Захирiddин Муҳаммад Бобур*. “Бобурнома”. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 1989 йил.
12. *Абдулла Авлоний*. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”. Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 1994 йил.
13. *Маҳмудхўжа Беҳбудий*. Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2000 йил.
14. *Ислом Каримов*. “Ӯзбекистон: миллий истиқлол, иқғисод, сиёsat, мафкура”, 1-жилд, Тошкент, “Ӯзбекистон” нашриёти, 1996 йил.
15. *Ислом Каримов*. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, 2-жилд, Тошкент, “Ӯзбекистон” нашриёти, 1996 йил.
16. *Ислом Каримов*. “Ватан саждагоҳ каби муқалласдир” 3-жилд, Тошкент, “Ӯзбекистон” нашриёти, 1996 йил.
17. *Ислом Каримов*. “Бунёдкорлик йўлидан”, 4-жилд, Тошкент, “Ӯзбекистон” нашриёти, 1996 йил.
18. *Ислом Каримов*. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби”, 5-жилд, Тошкент, “Ӯзбекистон” нашриёти, 1997 йил.
19. *Ислом Каримов*. “Ӯзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсиз-

ликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1997 йил.

20. *Ислом Каримов*. "Маънавий юксалиш йўлида", Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1998 йил.

21. *Ислом Каримов*. "Жамиятимиз мағқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин", "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар. 1998 йил, 2-сон.

22. *Ислом Каримов*. "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", "Мулоқот" журнали, 1998 йил, 5-сон.

23. *Ислом Каримов*. "Хавфсизликка ва барқарор тараққиёт йўлида". 6-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1998 йил.

24. *Ислом Каримов*. "Биз келажагимизни ўз қулимиз билан қурамиз". 7-жилд. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1999 йил.

25. *Ислом Каримов*. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз". 8-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 2000 йил.

26. *Ислом Каримов*. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда". Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1999 йил.

27. *Ислом Каримов*. "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда". Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1999 йил.

28. *Ислом Каримов*. "Миллий истиқол мағқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir": "Фидокор" газетаси мухбири саволларига жавоблар. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 2000 йил.

29. Миллий истиқол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., Узбекистон, 2001.

30. БМТнинг Инсон хуқуқлари декларацияси. // "Инсон хуқуқлари: ўкув қўлланмаси", Тошкент, "Адолат" нашриёти. 1998 йил.

31. *Каримов И.А.* "Баркамол авлод орзуси". Тошкент, "Шарқ" нашриёти, 1999 йил.

32. "Соғлом авлод – бизнинг келажагимиз". Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт, 2000 йил.

33. "Ўзбекистон Республикаси". Энциклопедия. Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1997 йил.

34. "Маънавият юлдузлари". Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1999 йил.

35. "Алномиш: Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони". Тошкент, "Шарқ" нашриёти, 1998 йил.

36. "Жалоллидин Мангуберди". Тошкент, "Шарқ" нашриёти, 1999 йил.

37. "Қалтис саволларга холис жавоблар". (Дин ва дунёвий муаммоларга доир) "Тафаккур" журнали, 1999 йил, 3-сон.

38. "Халқ, миллий мағқура ва зиёли масъулияти", "Тафаккур" журнали, 1999 йил, 2-сон.

39. Миллий истиқол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар (маъруза матнлари учун материаллар). – Т.: «Янги аср авлоди» 2001. 182-бет.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
“Фоя”тушунчаси.....	6
“Мафкура” тушунчаси.....	15
Фоя ва мафкураларнинг шакллари.....	20
Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар.....	29

Ижтимоий-сиёсий нашр

ФОЯ ВА МАФКУРА

Масъул мұхаррир *Қ. Назаров*

Мұхаррир *Г. Ахмедова*

Техник мұхаррир *В. Мещерякова*

Компьютер ишлари *А. Тиллахұжаев*

Мусаҳҳиҳ *У. Валиев*

Босишига 22.01.2002 й. да рухсат берилди.

Бичими 60x90¹⁶/₁₆ Офсет босма.

Шартли б.т. 2.0. Нашр босма табоги 1.05.

11 рақамлы буортма.

Жами 20000 нұсха. Баҳоси шартнома асосида.

«Ijod dunyosi» нашриёт уйи.

Тошкент, Навоий-30, 700129.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот

кумитасининг Китоб-журнал фабрикасида чоп этилди.

Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кӯчаси, 1.

ФАЙЛАСУФЛАР
МИЛДАЙ ЖАМЫСТИ

